ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАДЖАНОВ ЖАСУРБЕК АБДУШАРИБОВИЧ

КЎП ТИЛЛИ ТАҚСИМЛАНГАН АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АРХИВ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИДАН ЎХШАШ МАТНЛАРНИ ҚИДИРИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.09 – Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК 004.021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАДЖАНОВ ЖАСУРБЕК АБДУШАРИБОВИЧ

КЎП ТИЛЛИ ТАҚСИМЛАНГАН АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АРХИВ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИДАН ЎХШАШ МАТНЛАРНИ ҚИДИРИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.09 – Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T169 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Рахматуллаев Марат Алимович** техника фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Умаров Абдусалом Одилович** ижтимой фанлар доктори, профессор
	Нуралиев Фахриддин Муродиллаевич техника фанлари доктори, доцент
	Кучкаров Тахир Сафарович иқтисод фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» июня да соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» июня куни тарқатилди.

(2020 йил «15» июня даги 3 рақамли реестр баённомаси.)

И.Х.Сиддиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Х.Э. Хужаматов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Т.С. Кучкаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
и.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот моддий бойликлардан бири сифатида тан олиниб, ҳозирда уларни излаш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнларини ривожлантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ахборот технологиялари ривожланиши натижасида маълумотларни сақлаш, узатиш ва ундан фойдаланиш жараёни бир неча баробар осонлашди. Бу эса ўз навбатида маълумотлар ҳажмини кескин равишда ортишига замин яратди. Айни пайтда MARC (Machine-Readable Cataloging-машина ўқий оладиган каталоглаштириш) ва Dublin Core форматлари асосида ишлайдиган тизимларнинг ривожланиши натижасида жуда кўплаб электрон каталоглар ва электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан мазкур соҳага тўлиқ матнлардан маълумот қидириш, электрон каталогни шакллантириш жараёнини автоматлаштириш, тўлиқ матнларни солиштириш ва уларни ўзаро ўхшашлик даражасини аниқлаш каби бир қатор вазифаларни қўймоқда. Бу борада ривожланган мамлакатларда, жумладан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Канада, Гонконг, Россия Федерацияси каби давлатларда тўлиқ матнлар асосида ахборот қидириш ҳамда уларнинг ўзаро ўхшашлигини аниқлаш воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ахборот-кутубхона ва архив маълумотлар базасидан тўлиқ матнли маълумотларни қидириш, матн таркибидаги сўзларни морфологик таҳлил қилиш ҳамда маъно англатувчи сўзлар тўпламини аниқлаш, матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқлаш ҳамда уларни машина ёрдамида рукнини аниқловчи моделлар, алгоритмлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда кўп тилли маълумотлар базасидан ўзаро ўхшаш матнларни аниқлашни таъминлайдиган моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ахборот-кутубхона фондлари электрон каталогини ҳамда архив маълумотлар базасини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, ... таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш»[1] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда кўп тилли тақсимланган ахборот-кутубхона ва архив маълумот базаларидан тўлиқ матнлардан ахборот қидириш, уларни ўзаро ўхшашлигини аниқлаш ҳамда рефератив маълумотлар асосида электрон

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

каталогни автоматик тарзда шакллантириш моделлари, алгоритмлари ва дастурий тизимини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-3107-сон «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Тўлиқ матнлардан маълумот қидириш ва уларни ўзаро ўхшашлигини аниқлаш борасида моделлар, алгоритмлар ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар жаҳон илмий марказлари ва олий таълим муассалари, жумладан Curtin University of Technology Perth (Австралия), Graz University of Technology (Австрия), South Bank University's School of Computing (Буюк Британия), Bauhaus University Weimar (Германия), Computer Science Stanford University (АҚШ), School of Computing Queen’s University at Kingston Ontario (Канада), University of Applied Sciences Berlin (Германия), The Hong Kong Polytechnic University Kowloon (Гонконг)да тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Шу билан бирга Google (АҚШ), Яндекс, Антиплагиат (Россия Федерацияси) ташкилотларида ҳам бу борада бир қатор изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда ахборот-кутубхона ва архив маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда улардан тўлиқ матнли маълумотларни излаш бўйича Katipo Communications (Янги Зерландия), Washington Library Network (АҚШ)да изланишлар шунингдек матнларни бир тилдан иккинчи тилга нейрон тармоқлар асосида таржима қилиш ҳамда уларни плагиатга текшириш борасида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Матнларнинг ўзаро ўхшашлигини аниқловчи усуллар, моделлар ва алгоритмларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Bank University's School of Computing (Буюк Британия), Graz University of Technology (Австрия), The Hong Kong Polytechnic University Kowloon (Гонконг)да илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матнларни ўзаро солиштириш ҳамда уларни ўхшашлигини аниқлаш борасида ишлаб чиқилган

моделлар, алгоритмлар U. Manber, N. Heintze, V.L. Hong, A. Broder, D. Fetterly, A. Chowdhury, W. Pugh, C. Ильинский, M. Hermann, Z. Bilal, Ю.Г. Зеленков, И.В. Сегалович ва бошқа олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Электрон кутубхона ва архив тизимларини шакллантириш жараёнини автоматлаштириш ҳамда улардан тўлиқ матнли маълумотларни излаш борасида эса Я.Л.Шрайберг, Ф.С. Воройский, А.С. Карауш, А. И. Бродовский, Е.В. Линдеман каби олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган.

Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона ва архив соҳасини автоматлаштириш, уларда маълумот қидириш жараёни модели ва алгоритмлари тадқиқига М. А. Раҳматуллаев, У. Ф. Каримов, А. Ш. Мухаммадиев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган. Матнларни морфологик ва лексик таҳлил қилиш жараёнлари эса А. К. Пўлатов, С. Ризаев, С. Муҳамедова ва бошқа олимлар ишларида келтириб ўтилган.

Бу соҳадаги тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, санаб ўтилган муаллифларнинг илмий тадқиқот ишларида кўп тилли тўлиқ матнли маълумотлар базасида ўзаро ўхшаш матнларни аниқлаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот режасининг ЕФ4-003-«Корпоратив ҳисоблаш тармоқлари ишончлилигини баҳолаш модел ва алгоритмлари тадқиқоти» (2012-2013), А5-ФА-А012-«Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг ахборот тизими» (2012-2014) ҳамда А-Ф-А015-«Даврий нашрлар электрон каталоги ва электрон кутубхонасини яратиш» (2015-2016) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий-таълимий фаолиятда ахборот таъминотини такомиллаштириш учун, кўп тилли тўлиқ матнли кутубхона ва архив маълумотлар базаларидан ахборот қидириш усули, алгоритмлари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот-кутубхона ва архив тизимларида тўлиқ матнларни лексик, морфологик таҳлил қилувчи усуллар, алгоритмлар ҳамда уларнинг ўзаро ўхшашлигини аниқлаш воситаларини ретроспектив таҳлил этиш;

корпоратив ахборот-кутубхона, архив тармоқларида тўлиқ матнларни лексик, морфологик таҳлил қилиш алгоритмларини такомиллаштириш;

корпоратив ахборот-кутубхона, архив тармоқларида тўлиқ матнлар асосида маълумот қидириш жараёни модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кўп тилли илмий-таълимий тўлиқ матнли библиографик ахборотлар рукнини аниқловчи модел ва алгоритм ишлаб чиқиш;

кўп тилли маълумотлар базаси, интернет тармоғи ҳамда катта маълумотлар (big data) асосида маълумот қидириш ва матнларни ўзаро ўхшашини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

таклиф қилинган модел ва алгоритмлар асосида, кўп тилли маълумотлар базасида ўзаро ўхшаш матнларни аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот-кутубхона ва архив маълумотлар базалари ҳамда тўлиқ матнларни қидириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ахборот-кутубхона ва архив тармоқларида кўп тилли маълумотлар базасида матнларни ўхшашлигини аниқловчи моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тизимли таҳлил, тўпламлар назарияси, чекли автоматлар, машина ёрдамида таржима қилиш, математик статистика, нейрон тармоқлар ҳамда дастурий тизимларни лойиҳалаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот-кутубхона ва архив тизимларида кўп тилли тўлиқ матнли маълумотлар асосида ахборот қидириш моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

матн таркибидаги сўзларни морфологик таҳлил қилиш ҳамда маъно англатувчи сўзлар тўпламини аниқлаш бўйича модел ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

сўзларни синоним шаклларини қўллаш асосида юзага келадиган яширин плагиатни аниқлашга имкон берувчи модел ва алгоритм ишлаб чиқилган;

сўзларни синоним шаклларини инобатга олган ҳолда илмий-таълимий ахборотларни машина ёрдамида рукнини аниқловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

кўп тилли архив ва кутубхона маълумотлар базаларида матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқловчи CLAD (Cross Language Analog Detector – кўп тилли матнларнинг ўхшашлигини аниқлаш) усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интернет тармоғида матндаги сўзларнинг синоним шаклларини инобатга олган ҳолда ўхшашлигини аниқлаш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

тўлиқ матн таркибидаги терминлар асосида илмий-таълимий рукнини аниқлаш дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

рефератив матн асосида электрон каталогни автоматик тарзда шакллантириш дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

матнни бир тилли ва кўп тилли тўлиқ матнлар базасидан плагиатга текшириш дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

кўп тилли ахборот-кутубхона ва архив маълумотлар базасидан ўхшаш матнларни аниқловчи дастурий воситаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида олинган натижаларнинг солиштирма таққосланганлиги, матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқлашда фойдаланилган моделлар ва алгоритмларнинг қатъийлиги, амалий ва ҳисоблаш

математикасининг синовдан ўтган усулларининг қўлланилиши ҳамда мос гувоҳномалар ва жорий қилинганлик тўғрисидаги далолатномалар билан тасдиқланган натижаларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилидаги сўзларни морфологик, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнларни лексик таҳлил қилувчи, матнларни бир ва кўп тилли ўзаро ўхшашлигини аниқловчи моделлар, алгоритмлар ва усул ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти матнларни кўп тилли ўхшашлигини текшириш, корпоратив электрон кутубхоналар ва тўлиқ матнли маълумотлар базасидан маълумот қидиришга ҳамда реферативе маълумотлар асосида электрон каталогни автоматик тарзда шакллантиришга имкон берувчи дастурий восита ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп тилли тақсимланган ахборот-кутубхона ва архив маълумотлар базаларидан ўхшаш матнларни қидириш усул ва алгоритмлари бўйича олинган натижалар асосида:

сўзларнинг синоним шаклларини қўллаш асосида юзага келадиган яширин плагиатни аниқлашга имкон берувчи модел, алгоритм ҳамда кўп тилли архив ва кутубхона маълумотлар базаларида матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқловчи CLAD усули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ахборот тизимига дастурий модул сифатида тадбиқ қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 33-8/9210-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида, илмий-таълимий маълумотлари асосида электрон кутубхонани ташкил қилиш ҳамда муассаса ходимлари учун матнларни ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги ўхшашларини аниқлаш имконияти яратилган;

матн таркибидаги сўзларни морфологик таҳлил қилиш ҳамда маъно англатувчи сўзлар тўпламини аниқлаш бўйича модел ва алгоритмлар ҳамда матнларни машина ёрдамида рукнини аниқлаш алгоритмлари «Ўзбектелеком» акционерлик жамияти симли телефон абонентларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган КАСР ва tBilling тизимларига тадбиқ қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7394-сонли маълумотномаси). Натижада, телефон станцияларидан келган CDR файлларни биллинг тизимига юклаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Биллинг тизимига сўзлашувларни такрор киритилишининг олди олинди ҳамда мазкур жараёнда фаолият олиб бораётган ходимларнинг кунига ўртача 12% иш вақти тежалган ҳамда ўртача йиллик 36 млн. сўмлик хизмат кўрсатиш таннархининг камайишига эришилган;

ахборот-кутубхона ва архив тизимларида кўп тилли тўлиқ матнли маълумотлари асосида ахборот қидириш модели ва алгоритми асосида

Хоразм вилояти Қўшкўпир туман халқ таълими бўлими ва унга қарашли 52 та ўрта мактаблар учун марказлашган электрон кутубхона ишлаб чиқилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 33-8/9210-сонли маълумотномаси). Мазкур электрон кутубхонада тўлиқ матнли файллардан маълумот қидириш жараёни йўлга қўйилиши натижасида керакли маълумотларни излаб топиш учун сарфланадиган вақтни 20-30 баробарга қисқаришига олиб келган.

Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси. Мазкур назарий ва амалий тадқиқот натижалари 5 та халқаро илмий-техник конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, 7 таси республика журналларида ва 7 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 166 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи «**Ахборот-кутубхона ва архив тизимларида илмий-таълимий маълумотлар базасидан тўлиқ матнли маълумотларни излаш усулларини тизимли таҳлили**» бобида тўлиқ матнли маълумотлар базасидан маълумот қидириш усуллари, моделлари ва алгоритмлари таҳлил қилинган. Матнларни лексик ва морфологик таҳлил қилувчи кенг тарқалган модел ва алгоритмлар ўрганилган ҳамда уларнинг қўлланилиш жараёнлари таҳлил қилинган. Матнларни машина ёрдамида таржима қилиш усуллари, уларнинг ўзаро фарқлари ҳамда қўлланилиш соҳалари келтириб ўтилган. Матнларнинг ўзаро ўхшашлигини аниқлаш шакллари ва босқичлари ҳамда бу борада бажариладиган вазифалар кўриб чиқилган. Шу билан бирга, матнларни лексик ва морфологик таҳлил қилувчи модел ва алгоритмлар ўрганилган.

Кўп тилли тўлиқ матнли маълумотлар базасидан маълумот қидириш ҳамда ўзаро ўхшаш матнларни аниқлаш нафақат матнларни ўзаро плагиатга

текшириш балки, ахборот-кутубхона ва архив тизимларига тегишли тўлиқ матнларни рукнини аниқлаш, рефератив матн ёки мақола асосида тўлиқ матнлар тўпламини аниқлаш жараёнларини автоматлаштиришда фойдаланилади.

Иккинчи «**Кўп тилли маълумотлар базасида тўлиқ матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқлаш босқичлари, моделлари ва алгоритмлари**» бобида кўп тилли тўлиқ матнли маълумотлар базасидан маълумот қидириш жараёни босқичлари ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги қисмлардан иборат:

- тўлиқ матнни формаллаштириш – ҳар хил форматдаги рақамли маълумотларни (PDF, DOC, HTML ва ҳакозо) оддий матн шаклига ўтказиш;
- матнни сўзлар тўплами шаклига ўтказиш ва маъно берувчи сўзларни аниқлаш;
- тўпламдаги ҳар бир сўзнинг техник ўзак қисмини аниқлаш – табиий тил морфологик қоидалари асосида ишлаб чиқилган алгоритмларга кўра ҳар бир сўзнинг техник ўзак шаклини аниқлаш;
- терминларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш – луғат асосида машинавий таржима қилиш усули ёрдамида амалга ошириш. Мазкур босқичда фақат ҳар хил табиий тилда тавсифланган матнлар учун амалга ошириш;
- ҳар бир термин ва унинг таржимавий шаклини лексик таҳлил қилиш – терминнинг синоним шаклларини ва улар орасидан умумий шаклини аниқлаш;
- терминларни маълумотлар базасига сақлаш – терминлар тўплами шаклига ўтказилган матнни, кўп тилли маълумотлар базасига махсус шаклда киритиш;
- матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқлаш ва уларни маъно жиҳатидан гуруҳлаш.

Матнларни кўп тилли маълумотлар базасига киритиш ёки уларни ўзаро солиштириш жараёнида, дастлаб ҳар бир матн қуйидаги шаклга ўтказилади:

$$D = ((d_1, d_1^{'}, n_1),\ (d_2, d_2^{'}, n_2), .., (d_k, d_k^{'}, n_k)), \qquad (1)$$

бу ерда D - берилган матн, k - матн таркибидаги маъно англатувчи терминлар сони, d_i - D матннинг i терминнинг умумий синоним шакли, $d_i^{'}$ - d_i терминнинг таржима шакли, n_i - d_i терминнинг D матн таркибидаги қатнашишлар сони. Бундан ташқари матнларни ўзаро ўхшашлигини аниқлаш жараёнида, ҳар бир матнни оғирлиги ҳам инобатга олинади.

$$N = \sum_{i=1}^{k} n_i\ , \qquad (2)$$

бу ерда N - берилган D матн оғирлиги.

Маълумки, табиий тилда шакли ҳар хил, аммо маъно жиҳатдан бир хил сўзлар мавжуд. Матн таркибида ҳам бундай сўзлар фаол иштирок қилади. Тилшуносликда бундай сўзлар ўзаро синоним сўзлар деб юритилади. Қуйида

мазкур шакл жиҳатдан ҳар хил, маъно жиҳатдан эса бир хил иккита гап берилган.

q) Ўғлим, афтингни артиб ол *t) Ўғлим, юзингни артиб ол*

Агар уларнинг қисмлари ўзаро ўхшаш бўлса, берилган q ва t матнлар ўзаро ўхшаш ҳисобланади. Терминларни ўзаро ўхшашлик даражасини ифодалаш учун:

$$\varphi(q,t) = (q \approx t), \tag{3}$$

$$\varphi(q,t) \in R,\ R = [0..1]$$

бу ерда $\approx$ - символи матн таркибидаги сўзларнинг маъно жиҳатдан ўзаро ўхшашлигини ифодалайди. R-ўзаро яқинлик мезонини ифодаловчи тўплам бўлиб, 0...1 орасидаги қийматга эга ҳақиқий сонлардан иборат элементлардан ташкил топган.

$$\varphi(q,t) = \begin{cases} 1,\ q \approx t \\ 0, q \cong t \end{cases}$$

бу ерда $\cong$- символи матн таркибидаги сўзлар ўзаро ўхшаш бўлмаслигини, ёки белгиланган миқдордан кам бўлганлигини ифодалайди.

Ҳозирги кунда, матн таркибидаги сўзларнинг синоним шаклларини инобатга олган ҳолда уларни ўзаро солиштириш жараёнида, ҳар бир сўзнинг барча синоним шакллари текшириб ўтилади.

$$s = \sum_{i=1}^{l} c_i, \tag{4}$$

бу ерда c_i - i-термин синонимлари сони бўлиб, ихтиёрий c_i учун, $c_i \geq 1$ шарти ўринли, s - умумий солиштиришлар сони. Таклиф қилинаётган CLAD усулида эса бу борада қуйидагича ёндашув илгари сурилади.

$$\omega(w_{i1}) = \omega(w_{i2}) = \omega(w_{i3}) .. = \omega(w_{in}) = w_i, \tag{5}$$

$$w_i \in [w_{i1}, w_{i2}, w_{i3}, .., w_{in}],\ \forall w_{ij} \forall w_{ik} \varphi(w_{ij}, w_{ik}) \approx 1$$

бу ерда w_{ij} - шакли ҳар хил аммо маъноси бир хил бўлган сўзлар яъни ўзаро синоним сўзлар/терминлар тўплами, $\omega(w)$ - w сўзни асосий шаклини аниқловчи функция бўлиб, юқорида кўсатилгандек функцияга ўзаро синоним сўзлар параметр сифатида берилса натижа бир хил қийматга эга бўлади.

Терминни лексик таҳлил қилиш деб белгиланган мазкур жараённи матннинг барча терминлари учун қўлланилади. Натижада, матнларни ўхшашлигини текшириш жараёнида сўзни синоним шаклларини ҳам инобатга олган ҳолда алгоритмнинг **ишлаш вақти** $V(l)$ қуйидагича бўлади.

$$V(l) \in O(l), \tag{6}$$

бу ерда $O(l)$- чизиқли вақт, яъни алгоритмнинг умумий ишлаш вақтига сўзларнинг синоним шакллари сони таъсир қилмайди. Шу ўринда, $\omega(w)$ функция учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим.

• $[w_{i1}, w_{i2},.., w_{in}]$ тўпламга янги w_{in+1} элемент қўшилганда ҳам $\omega(w_{ij})$ ни натижасига таъсир қилмаслиги лозим, бу ерда $j \in [1..n+1]$;

• $[w_{i1}, w_{i2},.., w_{in}]$ тўпламдан ихтиёрий w_{ij} элементи олиб ташланган тақдирда ҳам $\omega(w_{ik})$ қиймати ўзгармаслиги лозим, бу ерда $k \in [1.., j-1, j+1, n]$ бўлиб, қуйида мазкур шартларни математик модели келтирилган.

$$W = [w_{i1},\ w_{i2},\ w_{i3},.., w_{in}] \tag{7}$$

$$\forall w_{ik} \in W\ \omega(w_{ik}) = w_i,\ \ w_i \in W,\ V = W \cap [w_{in}] = [w_{i1},.., w_{in-1}]$$

$$Z = W \cup [w_{in+1}] = [w_{i1},.., w_{in}, w_{in+1}],\ \forall v \in V\ \omega(v) = \forall z \in Z\ \omega(z) = \forall w \in W\ \omega(w) = w_i$$

Тадқиқот давомида ўзбек тилидаги гап таркибидаги сўзларнинг техник ўзак қисмини аниқлашда қўлланиладиган чекли автомат ишлаб чиқилди. Қуйидаги жадвалда ўзбек тилидаги қўшимчалар турлари келтириб ўтилган.

1-жадвал: Ўзбек тилидаги қўшимчалар турлари

Коди	Қўшимчалар тури	Қайси қўшимчалардан кейин келиши	Мисол
0	ўзак		
Сўз ясовчи қўшимчалар			
1	От ясовчи	0	-чи, -увчи, -ла
2	Феъл ясовчи	0	-ла
3	Сифат ясовчи	0	-севар
Шакл ясовчи қўшимча			
11	Кўплик қўшимчаси	0, 1, 3, 14	-лар
12	Бўлишсизлик шакли	0, 2	-ма (-мас)
13	Сифат даражалари	0, 3	-роқ
14	Феъл замонлари	0, 2, 12, 15	-ди, -моқчи
15	Феъл нисбатлари	0, 2	-(и)ш, -тир
Сўз ўзгартирувчи қўшимча			
101	Келишик қўшимча	0, 1, 11, 103	-ни, -га, -нинг
102	Шахс-сон	0, 1, 14	-(и)к, -(и)м
103	Эгалик қўшимча	0, 1, 11	-(и)м, -(и)миз
104	Ҳаракат номи	0, 2	-(и)ш, -у(в)
105	Сифатдош	0, 2, 15	-ган (-кан, -қан)

Мазкур жадвалда ҳар бир тур қўшимчалари маълум бир код билан белгиланиб, ўз навбатида у қайси турдаги қўшимчадан кейин ишлатилиши келтириб ўтилган. Сўзни морфологик таҳлил қилиш босқичи чекли автомат асосида амалга оширилган бўлиб, қуйида ушбу жараён таркиби келтирилган.

- ҳолатлар тўплами – Q (мазкур тўплам чекли бўлади);
- берилган символлар тўплами – E (мазкур тўплам чекли бўлади);
- ўтиш функцияси – δ (бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказувчи функция);
- дастлабки ҳолат $q_0 \in Q$.
- натижавий ҳолатлар тўплами F (мазкур тўплам Q нинг қисм тўпламидир).

Юқорида келтирилган чекли автоматнинг ҳар бир қисмини «*ишламаганларни*» сўзи мисолида кўриб чиқсак:

1. Ҳолатлар тўплами - берилган сўзнинг таркибидаги ҳар бир қўшимчани кетма-кет олиб ташлашда ҳосил бўлган сўзлар тўпламидир. **Q={ишламаганларни, ишламаганлар, ишламаган, ишлама, ишла, иш} Q_i** ўзбек тилида қўшимчалар **асос (ўзак) + сўз ясовчи + шакл ясовчи + сўз ўзгартирувчи** шаклда келишини инобатга олган ҳолда берилган сўзнинг ўзагини аниқлаш жараёни қуйидаги ҳолатларда бўлади.

a) Негиз – берилган сўз «*ишламаганларни*»;
b) Сўз ўзгартирувчи қўшимчаларсиз ҳолат – «*ишламаганлар*»;
c) шакл ясовчи қўшимчаларсиз ҳолат – «*ишла*»;
d) сўз ясовчи қўшимчасиз ҳолат – «*иш*»;
e) ўзак – сўзнинг ўзгармас қисми.

2. Берилган символлар тўплами – сўзни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказувчи символлардир. Бизнинг ҳолатда эса бу ўзбек тилидаги қўшимчалардир.

Σ={ни, лар, ган, ма, ла} W_i



1-расм. Ўзбек тилидаги сўзларни ўзагини аниқлаш модели

3. Ўтиш функцияси – сўзни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга берилган қўшимча ёрдамида ўтказувчи функция.

q_1-ишла, q_0 – иш, кирувчи қўшимча –*ла*

$q_1=\delta(q_0, ла)$ = ишла

Дастлаб, ЧАни чапдан ўнга (ўзак+қўшимча1+қўшимча2+...) шаклида ишлаб чиқилади. Уни ўнгдан чапга ишлайдиган қилиш учун $\boldsymbol{\delta}$ ни тескари тартибда ишлайди, яъни $\boldsymbol{Q_0}$ = ишла , $\boldsymbol{Q_1}$-ишла

$$\mathbf{Q_1 = \delta\ (Q_0\ ,\ ла)}$$

4. Натижавий негиз тўплам – бу сўзнинг ўзак қисмидан ташкил топган бўлиб, мазкур жараёнда у фақат битта элементга эга бўлади.

Мазкур чекли автомат асосида ўзбек тилидаги сўзларнинг техник ўзак қисмини аниқлаш алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳар хил тилда тавсифланган матнларни ўзаро солиштириш жараёнида дастлаб, улар битта табиий тил кўринишига олиб келинади. Таъкидлаб ўтилганидек, таклиф қилинаётган CLAD усулида терминларни таржима қилиш луғат асосида ташкил қилиниб, у қуйидаги босқичлардан ташкил топган.



2-расм. Сўзни таржима қилиш босқичлари

Қуйида f сўзни l_1 тилдан l_2 тилга машина ёрдамида таржима қилиш алгоритми келтириб ўтилган.



3-расм. Луғат асосида сўзларни таржима қилиш алгоритми

Маълумки, терминларни таржима қилиш жараёни матнни машина ёрдамида таржима қилиш йўналишига тегишли бўлиб, ҳозирда бу борада жуда кўп натижаларга эришилган. CLAD усули асосида келтирилган терминларни таржима қилиш жараёни қуйидагилар билан мавжуд усуллардан фарқ қилади:

- таржима қилинган термин олдинги морфологик шаклига келтирилмайди;
- солиштириш жараёнида терминнинг барча таржима шакллари инобатга олинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, агарда гап мазмуни ўзгармаса гапни таржима қилиш жараёнида сўзнинг синоним шаклларидан ихтиёрий биттасини қўллаш мумкин. Яъни, бу ерда сўз шакли эмас гап мазмуни эътиборга олинади. Матнларни солиштириш жараёнида эса нафақат гап мазмуни балки, сўз шакли ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ҳар хил тилда бўлган матнларни таққослаш жараёнида қўлланиладиган терминларни таржима қилиш жараёни матнни таржима қилиш жараёнидан мураккаброқ ҳисобланади.

Мазкур масалани ечишда, ҳар бир терминнинг таржима шакллари лексик таҳлилдан ўтказилади. Бу эса матнларни солиштириш жараёнида терминнинг барча синоним шаклларини инобатга олган ҳолда солиштиришга имкон беради.

Матнларнинг ўзаро ўхшашлигини текшириш жараёнини иккита D ва T матнлар асосида келтириб ўтсак. Дастлаб, (1) шаклга мос равишда T матн ҳам қуйидаги шаклга олиб келинади.

$$T = ((t_1, t_1^{'}, m_1), (t_2, t_2^{'}, m_2), ..., (t_p, t_p^{'}, m_p)), \quad (8)$$

бу ерда T - берилган матн, p - матн таркибидаги маъно англатувчи терминлар сони, t_i - T матннинг i терминнинг умумий синоним шакли, $t_i^{'}$ - t_i терминнинг таржима шакли, m_i - t_i терминнинг T матн таркибидаги қатнашишлар сони. Агар T матн CLAD усулида асос қилиб олинган табиий тилда ёзилган бўлса, у ҳолда $\forall t_i \in [t_1, t_2, .., t_p] = t_i^{'}$ яъни, T матн учун терминлари таржима қилинмасдан, тўғридан-тўғри ўз шаклига олинади. Шу ўринда, (2) формулага мос равишда, T матннинг оғирлиги M ҳисобланади.

$$M = \sum_{i=1}^{p} m_i \quad (9)$$

Матнларни ўзаро ўхшашлигини текшириш жараёни матнлар тавсифланган тилга қараб икки хил босқичда амалга оширилади. Агар $lang(D) = lang(T)$ бўлса, у ҳолда маълумотларни ўзаро солиштириш жараёнида D матн учун $[d_1, d_2, .., d_k]$ терминлар тўплами асосида, T матн учун эса мос равишда $[t_1, t_2, .., t_p]$ асосида амалга оширилади. Агар $lang(D) \neq lang(T)$ бўлса, у ҳолда маълумотларни ўзаро солиштириш жараёнида D матн учун $[d_1^{`}, d_2^{`}, .., d_k^{`}]$

терминлар тўплами асосида, T матн учун эса мос равишда $[t_1^{'}, t_2^{'}, .., t_p^{'}]$ асосида амалга оширилади. Бу ерда $lang(X)$ - X матн ёзилган табиий тил ҳисобланади.

Шу ўринда кейинги тавсифлашларни соддалаштириш мақсадида қуйидаги белгилашларни киритсак. Юқоридаги (1) шаклида берилган D ҳамда (8) шаклида берилган T матнларни қуйидагича белгиланган

$$D = ((r_1, n_1), (r_2, n_2), ..., (r_k, n_k)) \quad (10)$$

$$T = ((q_1, m_1), (q_2, m_2), ..., (q_p, m_k)), \quad (11)$$

бўлиб, бу ердаги r_i ва q_j қуйидагича ҳисобланади.

$$\forall r_i = \begin{cases} d_i, & lang(D) = lang(T) \\ d_i^{'} \end{cases}, \; R = ((r_1, n_1), ..., (r_k, n_k))$$

$$\forall q_j = \begin{cases} t_j, & lang(D) = lang(T) \\ t_j^{'} \end{cases}, \; Q = ((q_1, m_1), ..., (q_p, m_k))$$

Кейинги босқичларда айнан солиштириш жараёнида R ва Q объектлар асосида амалга оширилади. Чунки, D ҳамда T учун қуйидаги шарт ўринли бўлади.

$$sim(D, T) = sim(R, Q) \quad (12)$$

Кейинги қадам эса, $[r_1, r_2, .., r_k]$ ва $[q_1, q_2, .., q_p]$ тўпламларнинг ўзаро кесишмаси асосида янги $[x_1, x_2, ..., x_l]$ тўплам ҳосил қилинади. Агар мазкур тўплам бирорта элементга эга бўлмаса, яъни $[r_1, r_2, .., r_k] \cap [q_1, q_2, .., q_p] = \theta$ матнларнинг ўхшашлик даражаси 0 га тенг деб топилса, солиштириш жараёнини шу қадамда тугатамиз, акс ҳолда солиштириш жараёни давом эттирилади.

$$[r_1, r_2, .., r_k] \cap [q_1, q_2, .., q_p] = [x_1, x_2, .., x_l] \quad (13)$$

Ҳосил бўлган $\forall x_i$ ва уларни мос равишда R ҳамда Q объектлар таркибида қатнашиш сонлари асосида қуйидаги X объект шакллантирилади.

$$X = ((x_1, n_1, m_1), (x_2, n_2, m_2), ..., (x_l, n_l, m_l)), \quad (14)$$

бу ерда n_i - x_i терминни D матнда такрорланишлар сони яъни оғирлиги, m_i - x_i терминни T матнда такрорланишлар сони яъни оғирлиги. Берилган x_i нуқтаи назаридан D матнни T матнга тегишлилик даражаси $belong(x_i, D, T)$ сифатида белгиланади ва у қуйидагича ифодаланади.

$$belong(x_i, D, T) = \frac{n_i \cdot m_i}{N^2} \quad (15)$$

Мос равишда, берилган x_i нуқтаи назаридан T матнни D матнга тегишлилик даражаси $belong(x_i, T, D)$ сифатида белгиланади ва у қуйидагича ифодаланади.

$$belong(x_i, T, D) = \frac{n_i \cdot m_i}{M^2} \quad (16)$$

Шундан келиб чиққан ҳолда, D матнни T матнга тегишлилик даражаси қуйидагича ҳисобланади.

$$belong(D, T) = \sum_{i=1}^{l} \frac{n_i \cdot m_i}{N^2} \quad (17)$$

Мос равишда, T матнни D матнга тегишлилик даражаси қуйидагича ҳисобланади.

$$belong(T, D) = \sum_{i=1}^{l} \frac{n_i \cdot m_i}{M^2} \quad (18)$$

Шу ўринда, (17) ва (18) натижаларига кенгроқ тўхталиб ўтсак. Маълумки, гоҳида бир матн иккинчи бир матнни таркиби бўлиши мумкин. Масалан, D - матн бирон мақола ёки қисса бўлса, у ўз навбатида, T - мақолалар тўплами ёки асар таркиби бўлиши мумкин. Мазкур ҳолда T матнни D - матнга ўхшашлик даражаси кам бўлиши табиий, аксинча D - матн T матнга 100% ўхшаш ҳисобланади. Мазкур ҳолларда тўғри натижага (17) ва (18) ёрдамида эга бўлиш мумкин. Бундан ташқари, берилган матнларнинг ўзаро ўхшашлик даражасини ушбу функция натижаларининг ўрта арифметиги асосида аниқланади.

$$sim(D, T) = sim(T, D) = \frac{belong(D, T) + belong(T, D)}{2}.$$

Юқорида келтирилган функция CLAD усули асосида матнларни ўзаро ўхшашлигини ифодалайди. Таъкидлаб ўтилганидек, CLAD усули нафақат матнларни бир-бирига ўхшашлигини балки, уларни ўзаро тегишлилигини ҳам аниқлайди.

Учинчи **«Корпоратив ва глобал тармоқда илмий-таълимий ва архив маълумотлар асосида тўлиқ матнли ахборот қидириш модели ва алгоритмлари»** бобида матнни интернет тармоғидан ўхшашларини аниқлаш, кўп тилли тўлиқ матнлар базасида матнларни илмий-таълимий ахборотлар рукни бўйича автоматик таснифлаш ҳамда таклиф қилинаётган CLAD усули асосида ечилиши мумкин бўлган масалаларга тўхталиб ўтилган.

Матнни интернет тармоғидан ўхшашини топиш жараёни қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

- ҳар хил форматда тавсифланган матнни оддий матн шаклига ўтказиш;
- матнни терминларга ажратиш;
- терминлар асосида интернет тармоғидан терминларга мос Web-саҳифалар рўйхатини аниқлаш;
- ҳужжатларни солиштириш ва ўхшашлик даражасига қараб Web-саҳифаларни саралаш.

Сўзлар тўплами асосида Web саҳифаларни аниқлашда Yahoo, Google, Yandex XML каби тизимлардан фойдаланиш мумкин. Таклиф қилинаётган алгоритмнинг мавжуд алгоритмлардан асосий фарқи, матнларни

солиштириш жараёнида матн таркибидаги терминларнинг синоним шакллари ҳам инобатга олинган. Қуйида берилган D матн ва T Web саҳифа матнларини сўзнинг синоним шакли асосида солиштириш алгоритми берилган.

1. D матннинг $[x_1, x_2,..x_k]$ тўпламига оид бўлмаган барча терминлари $[d_{11}, d_{21},.., d_{r1}]$ аниқланади. Бу ерда r - $[x_1, x_2,..x_k]$ тўпламга тегишли бўлмаган D матн терминлари сони.



4-расм. Матнларни ўзаро ўхшашлигини текшириш алгоритми

2. d_{i1} терминнинг синоним шакллари $[d_{i2}, d_{i3},.., d_{it}]$ аниқланади. Агар бирорта ҳам синоним шакл топилмаса, у ҳолда 4-қадамга ўтилади.

3. $[d_{i2}, d_{i3}, .., d_{it}]$ терминлар $[t_1, t_2, ..., t_s]$ тўпламдан изланади. Биринчи топилган d_{ij} термин ва уни T матн таркибида қатнашиши сони асосида X объектга янги $(x_{k+1}, n_{k+1}, m_{k+1})$ элемент шаклида қўшилади. n_{k+1} - d_{i1} терминни D матн таркибида қатнашиш сони, m_{k+1} - d_{ij} терминни T матн таркибида қатнашиш сони.

4. Навбатдаги термин учун 2 ва 3 қадамлар бажарилади. Барча терминлар учун 2 ва 3 қадамлар бажарилгач, алгоритмнинг иш жараёни ўз ниҳоясига этади.

Ҳосил бўлган X объект асосида D ва T матнларининг ўзаро ўхшашлиги аниқланади. Мазкур жараён 4-расмда келтирилган алгоритм асосида амалга оширилади.

Берилган матнни интернет тармоғидан ўхшашини аниқлаш, нафақат ўзаро плагиат матнларни, қолаверса реферативматн ёрдамида электрон каталогни автоматик тарзда интернет ресурсларидан фойдаланиб шакллантиришга имкон беради. Бу эса ўз навбатида илмий тадқиқот билан шуғулланиш жараёнининг таҳлил қисми учун зарур бўлган манбаларни автоматик тарзда аниқлашни таъминлайди. Тадқиқотчи ўзига керакли соҳа бўйича икки ёки уч саҳифадан иборат матн тайёрлайди. Ушбу матнга ўхшаш бўлган манбалар тўплами юқоридаги алгоритм асосида қурилган дастурий воситадан фойдаланган ҳолда интернет тармоғидан аниқланади.

Матнларнинг илмий-таълимий ахборот рукнини аниқлаш жараёни нейрон тармоқлар асосида амалга оширилган. Тармоқни ўргатиш усули **ўқитувчи ёрдамида,** активация функцияси **сигмоид,** кириш сигнали **луғатдаги термин коди,** архитектураси **3 қатламдан иборат,** чиқиш қиймати **матн тегишли бўлган гуруҳ коди,** хатоликни баҳолаш **ўрта квадрат усули** асосида амалга оширилган. Матн таркибидаги термин оғирлиги эса TF-IDF формуласи асосида аниқланган. Қуйидаги 5-расмда мазкур нейрон тармоқнинг архитектураси келтирилган.



5-расм. Матнларни рукнларга ажратиш нейрон тармоғи архитектураси

Ҳозирда мавжуд бўлган матнларни автоматик таснифлаш усулларидан фарқли равишда, ҳар бир терминнинг дастлаб синоним шакллари ҳам инобатга олинади, яъни матн таркибидаги терминнинг оғирлигини аниқлаш жараёнида терминнинг барча синоним шакллари ҳам қаралади. Мазкур ҳолат электрон журнал ва тўпламларнинг рукнини аниқлаш жараёнини янада такомиллаштиради.

Таклиф қилинаётган CLAD усули асосида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар келтирилиб ўтилган.

3-жадвал. CLAD усулини амалий жиҳатдан аҳамияти

№	Соҳа	Ҳал этилиши кўзда тутилган масалалар
1.	Электрон ҳужжат алмашинуви тизимларида	- Матнларни соҳаларга ажратиш; - матнлардан маълумот излаш; - матнларни тақсимланган ҳолда сақлаш.
2.	Электрон кутубхона ва автоматлаштирилган кутубхона тизимларида	- Электрон китоблар базасини ташкил қилиш ва ундан маълумот излаш; - матн тегишли бўлган илмий-таълимий ахборот рубрикасини автоматик тарзда аниқлаш; - матнга тегишли калит сўзлар тўпламини автоматик шакллантириш.
